

Зикрнинг фазли (17-тавсия)



05:00 / 11.03.2017 4857

Зикрнинг фазли (17-тавсия)

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен учун Ислом шариати аҳкомлари кўпайиб кетди. Менга ўзим маҳкам ушлайдиган нарсани айтиб беринг», деди. У зот: «**Тилинг Аллоҳнинг зикридан ҳўл бўлиб турсин**», дедилар».

Термизий, Ибн Можа, Ҳоким ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган. Лафз Термизийники.

Изоҳ: Ислом шариати аҳкомларига фарз, вожиб ва суннат амаллар киради. Лекин бу ҳадисда фарз ҳам, вожиб ҳам бўлмаган нафл амаллар назарда тутилган, чунки фарз ва вожиб амалларнинг ўрнини бошқа ҳеч бир амал тўлдиролмайди.

Муоз розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Мужоҳидларнинг қайси бирининг ажри улканроқ?» деб сўради. У зот: «**Аллоҳ таборака ва таолони кўп зикр қилганининг**», дедилар. «Солиҳларнинг қайси

бирининг ажри улканроқ?» деди. У зот: «**Аллоҳ таборака ва таолони кўп зикр қилганининг**», дедилар. Кейин у намоз(хон), закот (берувчи), ҳаж (қилувчи) ва садақа (берувчи) ҳақида сўради, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар сафар: «**Аллоҳ таборака ва таолони кўп зикр қилганининг**», деявердилар.

Абу Бакр Умарга: «Эй Абу Ҳафс, зокирлар ҳамма ажрни олиб кетишди-ку», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», дедилар».

Имом Аҳмад ва Табаронийлар ривоят қилишган.

Юқоридаги ҳадислардан олинадиган фойдалар:

1. Нафл ибодатларнинг ўрнини Аллоҳ азза ва жалланинг зиркри тўлдирар экан.
2. Тилни Аллоҳнинг зикри билан ҳўллаб туриш керак экан.
3. Намозхон, закот берувчи, ҳаж қилувчи, садақа берувчи ва солиҳ бандаларнинг энг ажри кўпи Аллоҳ таолонинг энг кўп зикр қилгани экан.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади.